

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ КИТОБ КОНЦЕПТЛИ ПАРЕМАЛАРНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

Хуррамова Гулноз Хуррамовна

Денов Тадбиркорлик ва Педагогика Институтини

Хорижий тил ва адабиёти йўналиши магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз тилшунослигида паремиологик бирлик ҳисобланган мақолалар тадқиқ этилган бўлиб, унда мақолларни лингвистик моҳияти инглиз ва ўзбек тилларида амалий мисоллар асосида таҳлил килинган.

Калит сўзлар: Парема, мақол, лексема, лингвистик ва қиёсий мақолларнинг эквиваленти.

Abstract: The article explores proverbs that are considered a paremiological unit in English linguistics, in which the linguistic and comparative essence of Proverbs is analyzed on the basis of practical examples in English and Uzbek.

Keywords: Parema, proverb, lexeme, linguistic and comparative, equivalent of Proverbs.

Инглиз тилидаги *book* тушунчаси ўзбекча *китоб* лексемаси орқали ифода этилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кўра *китоб* арабча сўз бўлиб, ёзилган, муқоваланган асар: 1. Маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган муқоваланган ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим кўлёзма ҳам) асар; 2. Умуман маълум шахс воқеа ҳодисага ва бошқаларга оид тугал, одатда нашр этишга, китоб бўлишга мўлжалланган асар¹.

Инглизча *Choose an author as you choose a friend* мақоли ўзбек тилида “китоб муаллифини дўст танлагандек танла” маъносини беради. Бу мақолга ўзбек тилида *Китоб кўрмаган калла – гиёҳ унмаган дала*² мақоли эквивалент сифатида маъно ва мазмун жиҳатидан мос тушади. Инглизча мақолдаги *author* сўзи ўзбекча *муаллиф* сўзини беради. Инглиз мақолидаги *author* сўзига ўзбекча *китоб* сўзи эквивалент сифатида қўлланиляпти. Бу ўринда халқ ўзинг лексик фондидан фойдаланган. Шунинг учун ҳам мақолнинг ўзбекча вариантыда *муаллиф* сўзи ишлатилмаган. Инглиз халқ мақолида китобни билиб танла мазмунида келган бўлса, ўзбек халқ мақолида китоб ўқиш кераклиги таъкидланган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти // [www.ziyouz.com kutubxonasi].

² Нармуратов З. Қисқача икки тилли илм-маърифат паремиологик луғат. – Тошкент, “ADAST POLIGRAF” 2020. – Б.69.

Инглизча *A good book is a great friend*³ мақолини ўзбек тилига “китоб инсоннинг энг яқин дўстидир” маъносини беради. Бу ўзбек тилида *Китобдан яхши дўст йўқ* мақоли орқали ифодаланади. Инглизча мақолдаги *book* сўзига ўзбек тилидаги *китоб* сўзи эквивалент сифатида иштирок этмоқда. Агар ўхшаш томонларини кўриб чиқадиган бўлсак, ҳар иккала халқ ҳам *китоб* дўст эканлигини ўз мақолларида ёритилган. Бироқ бу икки тилда ифодаланган мақолнинг маъно-мазмунини тенг бўлгани билан уларда ишлатилган айрим сўзлар фақат шу тилга оид лексемалардир ва ҳар иккала халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган одатларини ифодалайди.

Инглизча *Never judge a book by its cover* мақоли ўзбек тилида “китобни муқовасига қараб ҳукм чиқарма” маъносини беради. Бу ўзбек тилида *Сиртига қараб баҳо берманг* мақоли орқали ифодаланади. *Book* ва *китоб* сўзлари ҳар икки тилда халқ учун бир хил вазифани бажарувчи сўзлар бўлишига қарамасдан, улар ўзига хос фойдаланиш функцияларига эгадир. Демак, бирор халқ ҳаётида мавжуд ва кундалик ҳаётда фаол қўлланилувчи лексемалар тилда ўз қиёфасини яратади ва халқларнинг миллий менталитетини кўрсатишда мақолларда иштирок этмай қолмайди. Агар мақолларнинг маъно мазмунини таҳлил қиладиган бўлса, инглиз халқ мақолида ҳам ўзбек халқ мақолида ҳам шошилиб ҳукм чиқармаслик ҳақида сўз борган.

Инглизча *A man is known by the books he reads* мақоли ўзбек тилида “инсонни қандайлиги қандай китоб ўқишидан маълум” маъносини беради. Бу ўзбек тилида *Дўстингни кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман* мақоли орқали ифодаланади. Инглиз халқ мақолида *book* сўзи ўзбек тилида *китоб* маъносини билдиради. Ўзбек халқ мақолида эса *китоб* сўзи иштирок этмаган. Мақолларнинг маъно-мазмунини таҳлил қиладиган бўлсак, инглиз халқ мақолида, юқорида таъкидланганидек, одамни қандай китоб ўқишига қараб уни билиш мумкинлиги изоҳланган бўлса, ўзбек халқ мақолида дўстига қараб уни қандайлигини билиш мумкинлиги таъкидланган.

Инглизча *The priest to his book, the peasant to his plough* мақоли ўзбек тилида “қоҳин китобига боқар, дехқон шудгорига” маъносини беради. Бу ўзбек тилида *Олим китобни суяр, қассоб – пичоқни* мақоли орқали ифодаланади. Бу ўринда икки халқ мақоли ҳам маъно-мазмунини билан ўзаро ҳам-ханг бўлиб икки халқ мақолида ҳам *book* ва *китоб* сўзлари иштирок этган ҳамда ҳар икки тилда халқ учун бир хил вазифани бажарувчи сўзлар бўлишига қарамасдан, улар ўзига хос фойдаланиш функцияларига эгадир. *Book* концептли мақоллар ўзбек тилида *билим, содиқ, илм, дўст, дала, устоз, бахт, хазина* каби лексемалар орқали ифодаланишини таҳлилга тортилган мақоллар орқали кўришимиз мумкин.

³ Oxford Concise Dictionary of Proverbs. John Simpson and Jennifer Speake. Oxford University Press, 2003. – P.74.

Хулоса ўрнида шу айтиш керакки, юқорида таҳлил қилинган ҳар икки тилдаги мақоллар айнан шу халқлар менталитети ва маданиятидан келиб чиққан ҳолда шу тилларнинг фаол лексемалари орқали ифода этилган бўлиб, мақолларнинг маъноларини очиб беришда айнан уларнинг лингвомаданий хусусиятлари эътиборга олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти // [www.ziyouz.com kutubxonasi].
2. Нармуратов З. Қисқача икки тилли илм-маърифат паремиологик луғат. – Тошкент, “ADAST POLIGRAF” 2020. – 84 б.
3. Oxford Concise Dictionary of Proverbs. John Simpson and Jennifer Speake. Oxford University Press, 2003. – 364 p.